

ШАРТНОМА №29619

Тошкент ш.

2022 йил “29” 06

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “O'ZO'QUVLOYINA” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-001329 сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Л. Ким иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 24-июндаги 107855-сонли танлов натижаларига кўрамазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, 42-сонли ойлавий поликлиникасини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- ЗВОС харажатлари;
- геология харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нухсада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 160 000 000 (Бир юз олти миш миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси

ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-илоvasида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларикамчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатларива бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини)

кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.


11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти "YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPANIYA" ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш. И.Каримов кўчаси,
16а-уй.



Директор в.б.

Ф.У. Кучкаров

БАЖАРУВЧИ

"O'ZO'QUVLOYINA" МЧЖ

Адрес: г. Ташкент, ул. Сароймулкхоним д.9

Телефон: +99897 702-58-20

Р/с: 202 8000 4001 0982 6001

АИКБ «Ипак йули» ф-л «Сагбан» г.Ташкент
МФО 01036

ИНН 201 037 595 ОКЭД – 71 110

Директор

Ким Л.А.





Тошкент шаҳар

2022й.

**“Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, 42-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг
БАЁНИ**

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев	-Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Хамидов О.	-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (<i>Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади</i>)
Абдусатторов П.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Ҳолмаматова М.	-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, 42-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С.Сагдиев, Ш.Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 16 июн куни Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 07855 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва кўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “ORIGINAL” МЧЖ ғолиб ташкилот деб аниқланганлиги ва ғолиб ташкилот томонидан ютуқ бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли қонунинг 63-моддасига асосан комиссия томонидан аниқланган захирадаги ғолиб ташкилот “O’ZOUQVLOYINA” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 24 июндаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, 42-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)”” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича захира ғолиб ташкилот “O’ZOQUVLOYINA” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


Комиссия аъзолари.



С. Сағдиев




Ш. Қодиров



О. Хамидов



П. Абдусатторов



М. Ҳолмаматова

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Тошкент шаҳар ҳокимининг
биринчи ўринбосари

С.С. Раҳмонов

2022 й.

"Келишилди"

Тошкент шаҳар Иқтисодий тармоқнинг ва исмибағалликни
қисқартирини бош бошқармаси

Ш.Шуккуров

2022 й.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг
Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 30 майдаги 561-14-0-0/22-сонли қарори
Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шаклландган эрсин қолдиқ маблағлари ҳисобидан
2022 йилги МАНВИЛЛИ РУЙХАТИ



№	Объектлар номи ва мақсади	Қурилиш бошланғич ва фойдаланишга топширилган йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг ушбу йилдаги (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бўлиши ҳақидаги ҳужжатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қисқалтирилган (айта қолган) қисми жумладан, буюртмачи бўлиши ҳақидаги ҳужжатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қисқалтирилган (айта қолган) қисми жумладан, буюртмачи бўлиши ҳақидаги ҳужжатлари	2022 йил учун капитал қўйимлар даражаси				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қисқалтирилган (айта қолган) қисми жумладан, буюртмачи бўлиши ҳақидаги ҳужжатлари	Экспертга ҳужусан раъси ва сависси	Тошкент (таълим)лар йиллик ҳисобига бўлиши ва сависси	Ташкилот номи			
							Жами капитал қўйимлар	Жами	Жилоз	Буюртмачи бошқа ҳужжатлари	Қувват/ку даражаси	Асосий фонд суммаси							
																	10	11	12
1	Жами капитал қўйимлар, жумладан						9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	
36							5 000,000												
1	Сурхон туманидаги 12-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект				201,500			✓		Объект							
2	Юлусбоб тумани 4-сонли фтизиатрия диспансерини реконструкция қилиш	2022й	Объект				201,500			✓		Объект							
3	Юлусбоб тумани 53-сон оилавий поликлиникасини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект				97,500			✓		Объект							
4	Мирзо Улугбек тумани 8-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект				201,500			✓		Объект							
5	Мирзо Улугбек тумани 70-сон оилавий поликлиникасини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект				97,500			✓		Объект							
6	Мирзо Улугбек тумани 26-сон оилавий поликлиникасини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект				97,500			✓		Объект							

№	Объектлар номи ва маноси	Қурилиш бошловши ва объектларнинг фойдаланишига тошпирилган йили	Лойiha қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, бюджетдан, бошқа манбалардан ҳисобланган қийматлари	01.01.22 й. ҳолатига ишдан йилга Утувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа манбалардан ҳисобланган қийматлари	01.01.22 й. ҳолатига ишдан йилга Утувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа манбалардан ҳисобланган қийматлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар лойиҳи шу жумладан				2022 йилда фойдаланишга тошпирилган		01.01.23 й. ҳолатига ишдан йилга Утувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа манбалардан ҳисобланган қийматлари	01.01.23 й. ҳолатига ишдан йилга Утувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бюджетдан, бошқа манбалардан ҳисобланган қийматлари	Экспертлар ҳуқуқсиз рақамни ва саноати	Тендер (тендерлар) натижасига бўйича байнона рақамни ва саноати	Ташкилот номи		
							Жами капитал қўйилмалар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жилоз	Бюджетдан бошқа манбалардан	Жами	Қувват/мудат						Асосий фонд суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
16	Яшнобод тумани 30-сон оилавий поликлиникасини муъаллажат таъмирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект						Тендер
17	Яшнобод тумани 31-сон оилавий поликлиникасини фойдаланишга реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тендер
18	Яшнобод тумани 32-сон оилавий поликлиникасини фойдаланишга реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тендер
19	Шайхонхожир тумани 42-сон оилавий поликлиникасини фойдаланишга реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тендер
20	Юнусобод тумани 97-сонлик мактабгача таълим ташкилотини муъаллажат таъмирлаш	2022й	Объект					90,400			90,400		Объект						Тендер
21	Юнусобод тумани 307-сонлик мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер
22	Юнусобод тумани 366-сонлик мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер
23	Юнусобод тумани 235-сонлик мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер
24	Юнусобод тумани 191-сонлик мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер

№	Объектлар номи ва мақсади	Қурилиш бошланғич фаҳрларига топшириш йили	Лойиҳа қўзғатиш	Объектнинг умумий қиймати (шарҳнома берилган ҳолатда)	01.01.22 й. ҳолатига объект қиймати бўлмаган бўлса, харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объектнинг қиймати бўлмаган бўлса, харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объектнинг қиймати бўлмаган бўлса, харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объектнинг қиймати бўлмаган бўлса, харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар лойиҳи шу жумладан				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига объектнинг қиймати бўлмаган бўлса, харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига объектнинг қиймати бўлмаган бўлса, харажатлари	Экспертлик хизмати раъси ва савоби	Текшер (таълиқ)лар натижасига бўйича объектнинг раъси ва савоби	Ташкилот номи	
									Жил капитал қўйилмалар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жилоз	Бунорганчи бошка харажатлари		Қувавлу дид						Ассетий фонд суммаси
												Жили	жумладан, савоби харажатлари							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	
7	Олмасор тумани 20-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тешер	
8	Учтепа тумани Туман кул тармоқли марказий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					200,100			200,100		Объект						Тешер	
9	Учтепа тумани 23-сон оилавий поликлиникасини мукамил таъмирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект						Тешер	
10	Бексарой тумани Туман кул тармоқли марказий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тешер	
11	Чиланзор тумани 36-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тешер	
12	Миробол тумани 1-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тешер	
13	Янгиқасёт тумани Туман кул тармоқли марказий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тешер	
14	Янгиқасрой тумани Туман кул тармоқли марказий поликлиникасини асосий бунорганчи реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тешер	
15	Янгиқасрой тумани 58-сон оилавий поликлиникасини мукамил таъмирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект						Тешер	

7/9	2	3	4	5	6	7	8	2022 йил учун капитал қўйималар дивиди				2022 йилда фойдаланишга топширилган		17	18	19	20		
								Жили капитал қўйималар	Қурилди - монтаж ишлари	Жисоз	пу жулалди	Куматилу длат	Асосий фонд суммаси					01.01.22 й. холатига йилдан йилга Утувчи объектнинг (айта хошоблаш били) колдик қойилти жулалди, Бюджетлици, Бонци, харидатилди	01.01.23 й. холатига йилдан йилга Утувчи объектнинг (айта хошоблаш били) колдик қойилти жулалди, Бюджетлици, Бонци, харидатилди
				Объектнинг улуғли қойилти (парулнома жасил) жулалди, Бюджетлици, Бонци, харидатилди	01.01.22 й. холатига объект колдик қойилти жулалди, Бюджетлици, Бонци, харидатилди	01.01.22 й. холатига объектнинг (айта хошоблаш били) колдик қойилти жулалди, Бюджетлици, Бонци, харидатилди	01.01.22 й. холатига йилдан йилга Утувчи объектнинг (айта хошоблаш били) колдик қойилти жулалди, Бюджетлици, Бонци, харидатилди	Жили капитал қўйималар	Қурилди - монтаж ишлари	Жисоз	пу жулалди	Бюджетлици бонци харидатилди	Жили жулалди, саклаш харидатилди	Куматилу длат	Асосий фонд суммаси	01.01.23 й. холатига йилдан йилга Утувчи объектнинг (айта хошоблаш били) колдик қойилти жулалди, Бюджетлици, Бонци, харидатилди	Экспертиса жуласи рақамин ва сисмас	Тендер (таллавлар) битилмасига буюнча бёйносига рақамин ва сисмас	Ташкилот номи
1								9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
25	Юнусобод тумани 221-сонли мактабга талли ташкилоти реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер
26	Юнусобод тумани 288-сонли мактабга талли ташкилоти реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер
27	Юнусобод тумани 259-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш	2022й	Объект					134,000			134,000		Объект						Тендер
28	Юнусобод тумани 265-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш	2022й	Объект					134,000			134,000		Объект						Тендер
29	Юнусобод тумани 96-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш	2022й	Объект					134,000			134,000		Объект						Тендер
30	Тошкент шаҳар санитария эпидемиология осойишталли ва жамоат саломатлиги қисмати буюнсини реконструкция қилиш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект						Тендер
31	Миробол тумани Тулани санитария эпидемиология осойишталли ва жамоат саломатлиги қисмати буюнсини мукамал тазйирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тендер
32	Мирзо Улуғбек тумани Тулани санитария эпидемиология осойишталли ва жамоат саломатлиги қисмати буюнсини мукамал тазйирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тендер
33	Сердам тумани Тулани санитария эпидемиология осойишталли ва жамоат саломатлиги қисмати буюнсини мукамал тазйирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тендер

№	Объектлар номи ва мақсади	Қурилиш бошланғичи ва фонддан тошпирилган йил	Лойiha қуввати	Объектнинг урунги қойилати (шартнома асосида) жумладан, буюртмани, боньян, харожаглари	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга урунги объектнинг молиялаштири ш қолдири жумладан, буюртмани, боньян, харожаглари	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга урунги объектнинг молиялаштири ш қолдири жумладан, буюртмани, боньян, харожаглари	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга урунги объектнинг молиялаштири ш қолдири жумладан, буюртмани, боньян, харожаглари	2022 йилда фойдаланишга тошпирилган				2022 йилда фойдаланишга тошпирилган	01.01.23 й. ҳолатига илдан йилга урунги объектнинг молиялаштири ш қолдири жумладан, буюртмани, боньян, харожаглари	01.01.23 й. ҳолатига илдан йилга урунги объектнинг молиялаштири ш қолдири жумладан, буюртмани, боньян, харожаглари	Танқидлар (таъкид)лар қилинган бўйича баъзода раъми ва санои	Танқидот номи			
								Жами қилгал қўйлалар	Қурилиш - монгаж ишлари	Жиноз	Буюртмани боша харожаглари						Жами	Жумдан, санош харожаглари	Қувват/лу даг
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
34	Учтепа тумани Тумани санитария эпидемиология сойилатлиги ва жамот саломатлиги эхзамати биносини муаммал таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Танқид
35	Юрсобол тумани Тумани санитария эпидемиология сойилатлиги ва жамот саломатлиги эхзамати биносини муаммал таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Танқид
36	Ялмебол тумани Тумани санитария эпидемиология сойилатлиги ва жамот саломатлиги эхзамати биносини муаммал таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Танқид



Handwritten signature